

А Ж Р И М

2023 йил апрель ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, очик суд мажлиси суд биносида, судья О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Кенжаевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси Д.Каримов, Боғдод туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори Н.Абдирахимов, маҳкум И.Турғуновнинг иштирокида, маҳкум Турғунов Иззатжон Алишер ўғлига нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисиги ИИБ бошлиғининг тақдимномаси кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Турғунов Иззатжон Алишер ўғли 1992 йил 05 январь куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам; жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2021 йил 24 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган, Боғдод тумани, Мирзаобод МФЙ, 2-ўрта маҳалласи, 100-уйда яшайди,

Суд, иш ҳужжатлар билан танишиб ва уларни атрофлича текшириб, муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тақдимномада, маҳкум И.Турғунов жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2021 йил 24 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судлангани, маҳкум жазони ўташ вақтида мазкур жазога нисбатан ўрнатилган тартиб-қоидаларни бажаргани ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани, жазо ўташ тартиб-қоидаларини бузмагани, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, оилавий шароитини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан жазо ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Маҳкум И.Турғунов суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2021 йил 24 ноябрдаги ҳукмига асосан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судлангани, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаб келаётгани, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, жазо ўташ тартиб-қоидаларини бузмагани, оилавий шароитини, келгусида бундай хатти-ҳаракатлар содир этмаслигини, яшаш жойидан берилган ижобий



тавсифномаларни эътиборга олиб, ўталмай қолган жазодан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Абдирахимов суд мажлисида, Боғдод туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори вазифасида ишлаб келаётгани, маҳкум И.Турғунов жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2021 йил 24 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судлангани, суд ҳукми Пробация гуруҳи томонидан 2021 йил 24 декабрь куни рўйхатга олиниб, маҳкумга жазо ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилгани, маҳкум жазони ўташ вақтида мазкур жазога нисбатан ўрнатилган тартиб-қоидаларни бажаргани ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани, жазо ўташ тартиб-қоидаларини бузмагани, шу сабабли маҳкум И.Турғуновни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмаган 1 йил 9 ой 12 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасида “Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган кўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли Қарорининг 2-бандида “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш, фақат суд томонидан тайинланган жазонинг қонунда назарда тутилган қисмини ўташ пайтида (ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ушлаб турилган, қамоқда, уй қамоғида сақланган вақтни ҳисобга олган ҳолда) ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Муқаддам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкум жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, унга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш жазонинг, тегишлича, ЖК 73-моддаси учинчи қисми “в”



бандида, ЖК 74-моддаси учинчи қисми “в” бандида кўрсатилган муддатлари ҳақиқатда ўталганидан сўнг қўлланилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, иш ҳужжатларини ўрганиб, атрофлича муҳокама қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, маҳкумнинг сўзларини эшитиб, тақдимномани қаноатлантиришни;

Шунингдек, суд, маҳкум И.Турғуновга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши ҳақида тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 536,541-542-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасига амал қилиб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Боғдод туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Турғунов Иззатжон Алишер ўғлини жазо ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Турғунов Иззатжон Алишер ўғли жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2021 йил 24 ноябрдаги ҳукмига асосан тайинланиб, ўталмай қолган 1 йил 9 ой 12 кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум Турғунов Иззатжон Алишер ўғлига жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши ҳақида тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан, маҳкум ажрим нусхасини олган кундан эътиборан йигирмакун ичида шу суд орқали Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

О.Сиддиқов

